



Tadqiqot **UZ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No20
30 сентябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 20-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
20 -МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
20-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-8**

ТОШКЕНТ-2020

АДАБИЁТ

1. Hikoyat Samiyeva, Muattar Samadova	
ERKIN VOHIDOV IJODI - O'ZBEK ADABIYOTINING GULTOJI.....	7
2. Ниязова Мохиҷеҳра Хаятовна	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕКЛАРЛАРДА ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ ОЛҚИШИ.....	9
3. Abdullayeva Fayyoza Mashrab qizi, Xolbobobyeva E'zoza Turg'un qizi	
ADABIY TASAVVUR QUDRATI YOXUD GAR BADIYAT YOG'DULANSA... ..	11
4. Ochilova Nilufar O'lmasovna	
ANNA SYUVELNING "BLACK BEAUTY" (MAFTUNKOR QORA TULPOR)IDA "OT" OBRAZI	13
5. Shonnayeva Nilufar	
ADABIYOT DARSLARINI SAMARASINI OSHIRISHDA KOGNITIV VA AFFEKTIV YONDASHUVNI AMALGA OSHIRISH.....	16
6. Xaydarova Zuhayyo Tursinovna	
TIL — VATAN KABI ULUG' QADRIYAT. TILIMIZNI ASRAYLIK!	18
7. Abdumalikova Erkinoy Mahmudjonovna	
ADABIYOT DARSLARIDA O'QUVCHINING IJODIY FAOLIYATINI O'STIRISH	20
8. Allanazarova Mohira Bakhtiyor kizi	
A GREAT TREASURE LEFT FROM THE GREAT.	22
9. Raxmonova Marg'uba Karimovna	
MUMTOZ ADABIY ASARLARNI O'RGANISHDA IFODALI O'QISH	25
10. Toshboyeva Gulruh Abdulahayevna	
ADABIYOT DARSLARIDA ZAMONAVIY INNOVATSION YONDASHUV	26
11. Uralova Unsinoy Mamataliyevna	
JAHON OTIN UVAYSIY-BUYK O'ZBEK AYOLI.....	28



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕКЛАРЛАРДА ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ ОЛҚИШИ

Ниязова Мохичехра Хаятовна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси
+998914007466
mokhiniyazova87@mail.com

Анотация: Мақолада инглиз ва ўзбек халқ маросим олқишларининг айрим муштарак хусусиятлари ҳақида фикр юритилган ва олқиш сўзининг инглиз ва ўзбек тилидаги генезиси масаласига муносабат билдирилади.

Калит сўзлар: олқишлар, фольклор, яхши тилак, инглиз адабиёти, ўзбек адабиёти.

Маросимлар энг қадимий даврлардан бошлаб инсон ижтимоий ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисми бўлгани каби улар билан боғлиқликда яратилган олқишлар ҳам уларнинг таркибий қисмига айланиб улгурган. Шунинг учун худди маросимлар сингари олқишлар ҳам инсоният ҳаётини ва маданиятини тасаввур қилиш имконини берувчи муҳим воситалардан биридир.

Маросимлар, одатда, инсон ҳаётининг қувончли ёки оғир ва тушкун лаҳзаларини, унинг унутилмас дақиқаларини махсус қайд қилиш мақсадида ўтказилади. Шунинг учун аксарият маросимлар хоҳ хурсандчиликка бағишлансин, хоҳ хафагарчиликка, албатта, тантанавор ташкил қилинади. Уларни айнан тантанавор қилишда олқишларнинг ўрнини инкор қилиб бўлмайди. Олқишлар, одатда, кишига ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини чуқур англашига даъват, янги бир ҳаёт босқичига қадам қўяётганлигидан огоҳлантириш руҳида айтилади.

Олқишлар маросимлар орқали инсоният ҳаётида шу қадар мустақкам ўрин эгаллаганки, уларсиз ўтказиладиган бирорта маросим йўқ ҳисоби. Шунингдек, ҳар бир миллат ва элтининг, халқнинг ўз ижтимоий-маданий тараққиёт тарихи жараёнида шаклланган маросимлари бўлгани каби уларга алоқадор олқишлар тизими ҳам шаклланган ва асрлар давомида яшаб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган. [1]

Эътиборли жиҳати шундаки, бир халқ маросимлари у билан яқин ҳудудда яшаётган бошқа қардош халқлар билан тарихий-маданий алоқалар сабабли такомиллашиб, бойиб боргани каби маросим олқишлари ҳам бошқа халқлар маросим олқишлари таъсирида ғоявий-бадий жиҳатдан такомил топиб борганлиги англашилади.

Олқишлар кўпроқ оилавий-маиший маросимларга алоқадор жанрлар қаторида туради. Чунки олқишлар аслида фольклорнинг мустақил жанри бўлса-да, аксарият ҳолларда оилавий-маиший маросимлар таркибида ижро этилиши кузатилади. Жумладан, улар кўпинча тўй, мотам, даволаш, касб-хунар эгаллаш маросимларида айтилади.

Масалан, ўзбек халқ тўй маросими қадимдан жуда кўп анъана ва удумлардан ташкил топган, унинг хилма-хил кўринишлари кундалик ҳаётда ҳозир ҳам мавжуд. Айталик, ўзбеклар орасида энди туғилган чақалоққа ақиқа тўйи яъни соч тўйи, тиш тўйи, от тўйи ва ҳоказо каби қатор оилавий-маиший тадбирлар ўтказилса, ўғил болалар то етти-тўққиз ёшигача суннат ёки хатна тўйи уюштирилиб, “қўли ҳалолланади”. Икки ёшнинг бошини қовуштириш, оила қуришлари учун никоҳ ўқитиш мақсадида никоҳ тўйи қилинади. Бу каби номлар билан юритилувчи ҳар бир тўй тадбири инсон ҳаётидаги энг қувончли муҳим бурилиш нуқтасини қайд қилишга қаратилганлиги жиҳатидан эътиборлидир. Лекин ўзбек тўйлари таснифланганда, асосан бола тўйи учга бўлинади. Булар: Ақиқа маросими, бешик тўйи, суннат тўйи.[2]

Ҳар бири ўзига хос мазмунга, ўтказиш тартиби ва мақсадига, иштирокчилар таркибига кўра ўзаро фарқланади. Яна уларнинг ҳар бири ўз мазмунига мос олқишлар билан зийнатланган. Лекин уларда айтиладиган олқишлар аجدодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-тилаклари, яхшилик ва эзгулик ҳақидаги қарашлари, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат билан чамбарчас боғлиқ тасаввурларини ўзида мужассамлантиргани билан умумийлик касб этади ва “тўй олқишлари” номи билан юритилади.

Оилада фарзанд туғилиб, чақалоқ қирқ кунлик бўлганида эса унга бағишлаб “бешик тўйи” ўтказилиши анча оммалашган. Ўзбек бешик тўйичи ҳам ўз олқишларига эга. Улар қадимийлиги, анъанавийлиги ва кенг тарқалганлиги билан эътиборни тортади. Ушбу маросим тожикзабон аҳоли ўртасида “гаворабандон” (“бешикка бойлаш” ёки “бешикка белаш”) деб юритилади.



Бешик тўйи олқишларида, одатда, туғилган бола, дунёга келган чакалоқ муборакбод қилиниб: “Умрию ризки, ота-онаси, бобою бувиси билан берган бўлсин, муборак бўлсин”, – дейилади. Бу ихчам тилакнинг мазмунида катта ҳикмат бор. Бола туғилибдими, аввало унинг умри узун бўлсин, ризку насибаси мўл бўлсин, ота-онасига содиқ бўлсин, ота-онаси шу умид билан униб-ўстираётган боласининг хузурини, иқболини кўрсин дея яхши тилак айтилади.[3]

Шунга ўхшаш маросимни Инглиз халқлари орасида ҳам кузатиш мумкин. Булардан бири бу янги туғилган чакалоқни черковда чўқинтириш маросими. Чўқинтириш маросими христиан динининг энг муҳим ва асосий маросимларидан биридир. Бу маросим асосан черковда ўтказилади. Христианлар эътиқодига кўра, инсон туғма гуноҳкор бўлиб туғилади ва ундан фориғ бўлиш учун муқаддас сув ёрдамида покланади. Шундан сўнг покланган бола черков аъзолигига қабул қилинади. “Чўқинтириш” сўзи “христиан” деган сўз билан тенг маъно касб эта бошлаган. Православ йўналишида чўқинтириш маросими асосан янги туғилган чакалоққа ўтказилади. Ота-она ўз фарзандларининг диний билимига масъул бўлиб, чўқинтирилаётган бола эътиқодига кафил ҳисобланадилар. Чўқинтирилаётган бола ўғил бўлса, уни эркак киши кўтаради, агарда қиз бўлса, аёл киши томонидан амалга оширилади. Бу ҳолатда роҳиб ота-она вазифасини бажара олмайди.[4] Чўқинтиргандан сўнг боланинг қариндошлари ота-онасини табриклаб: “May your faith grow as your little one grows”, яъни (Кичкинтойингиз ўсиб улғайган сайин иймони ҳам ўссин). “The Lord bless you and keep you”, (Раббимиз сизни баракалайди ва сақлайди); “May your child know the vast love of our heavenly Father through you”, (Фарзандингиз сиз орқали Раббимизни улкан севгисини билсин) каби яхши тилаклар, олқиш сўзлар айтилади.[5]

Хуллас, барча халқларнинг тўй маросими шу қадар ранг-баранг урф-одат ва удумларга бойки, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаси, ўтказилиш мақсади ва фольклорига кўра фарқланиб туради. Шунингдек, уларнинг ҳар бири ўзига хос олқишларга эгаллиги билан диққатни тортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2010. – Б.
2. Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. Т; Фан, 1988, 138-Б.
3. Алавия М. Ўзбек халқ маросими қўшиқлари. -Т.: Фан, 1974.- 222 б.
4. https://en.wikipedia.org/wiki/Infant_baptism
5. <https://holidappy.com/greeting-cards/Christian-Baby-Card-Messages-Congratulations-Sayings-and-Poems>.